САВОЛ СИЗДАН, ЖАВОБ БИЗДАН — 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБОНИНГ НАВБАТДАГИ САФАРИ — 6-бет

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — 7-8-бетлар

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 232 (10.285) / 2004 ЙИЛ 26 НОЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

• **БУГУН** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида олий таълим муассасаларида инглиз тилидан дарс берувчи ўқитувчилар иштирокида Республика инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси ташкил этилганлигининг саккиз йиллигига бағишланган конференция бошланди.

• **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида талабалар Касаба уюшмаси қўмитасининг биринчи ҳисобот-сайлов анжумани ўтказилди.

• **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги «Тарновбоши» маҳалла гузарида туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари вакиллари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида уюштириладиган давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланади.

• **СЕРГЕЛИ** туманидаги 8-мактабда мактаб сардорлари иштирокида «Камолот — бу сенинг ташкилотинг» шиори остида ўтказилган тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилди.

• **ЭРТАГА** Акмал Икромов туманидаги «Мустақиллик» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштириладиган тадбир «Конституция — Қонунларимиз бош мезони» деб номланади.

• **КЕЧА** «Radisson - SAS - Toshkent» меҳмонхонасида «Голден Телеком» компанияси раҳбарлари билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида матбуот анжумани ўтказилди. Унда телекоммуникация хизматига дахлдор масалалар атрофида фикр алмашилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## НОМЗОДЛАР ТАРКИБИ ҚАНДАЙ?

**Марказий сайлов комиссияси шу йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш жараёнини якунлади. 517 нафар депутатликка номзоднинг рўйхати тегишли маҳаллий матбуот саҳифаларида эълон қилинди.**

Марказий сайлов комиссияси рўйхатдан ўтган номзодларнинг ижтимоий келиб чиқиши, партияга мансублиги, миллати, жинси, маълумоти, мутахассислиги каби кўрсаткичлар бўйича статистика маълумотларини атрофлича ўрганиб чиқди. Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида ташкил этилган навбатдаги учрашувда депутатликка номзодларга оид таҳлилий маълумотлар журналистлар эътиборига ҳавола этилди.

Қонунчилик палатаси депутатлигига рўйхатга олинган номзодларнинг 14,3 фоизи Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, 11,8 фоизи Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, 23 фоизи Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, 17,2 фоизи Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси ҳамда 22,8 фоизи Ўзбекистон Халқ демократик партиясига мансубдир. 10,8 фоиз номзод эса сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакилларидан иборат.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасида хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил қилиши лозимлиги қайд этилган қоида сайлов қонунчилигидаги муҳим янгиликлардан биридир. Депутатликка номзодларнинг 162 нафари, яъни 31,3 фоизини аёллар ташкил этмоқда. Бу сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар сонига доир қонун талабларига риоя этганидан далолатдир.

Ёши бўйича таҳлиллар номзодларнинг 2,3 фоизини 30, 19,7 фоизини 31-40, 50,7 фоизини 41-50, 19,1 фоизини 51-60 ёшгача бўлган кишилар ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

Депутатликка номзодлар сафидан жой олган ҳамюртларимизнинг миллий таркиби ҳам ранг-баранг, рўйхатда мамлакатимизда истиқомат қилаётган 12 миллат вакиллари қайд этилган.

Номзодларнинг аксарияти — 511 нафари ёки 98,8 фоизи олий маълумотли. Мутахассислик нуқтаи назаридан қараганда, номзодлардан 15,5 фоизи иқтисодчи, 14,7 фоизи ҳуқуқшунос, 6 фоизи шифокорлардан иборат. 63,2 фоиз номзод бошқа ихтисосликлар намояндаларидир. Шу билан бирга, депутатликка номзодларнинг 17,7 фоизи фан номзоди, 7,9 фоизи — фан доктори.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Хўжаева депутатликка номзодлар рўйхатга олингани муносабати билан жойларда сайловолди ташвиқоти бошланганини таъкидлади. Сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида тўхталди.

Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаев сайловолди ташвиқоти сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг тегишли Низоми ва қарори негизида ўтказилаётганлигини қайд этди.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилиши тартиби сайловнинг демократия ва адолат тамойилларига мувофиқ равишда ўтишининг асосий омили эканига яна бир бор эътибор қаратилди.

Анжуманда юртимиз ва хориж журналистлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбири**

## МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Бельгия Қуролли кучларининг Бирлашган штаби бошлиғи, генерал Август Ван Даел 25 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди. Томонлар ҳарбий таълим соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

**ЎзА**

## ХХI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

• **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.**

• **Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.**

• **Кеча Тошкентда «Ўзбекистонда сув хўжалигиислоҳотларини чуқурлаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.**

• **Қорақалпоғистон Республикаси Ўлкашунослик музейида ушбу музей фондида сақланаётган ноёб экспонатлар кўргазмаси очилди.**

• **«Савдогарбанк» Анелик ва Money Gram халқаро пул ўтказувлари тизимига қўшилди. Тошкент, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида банк томонидан халқаро пул ўтказувларини амалга оширувчи 10 та замонавий пункт фойдаланишга топширилди.**

• **Сурхондарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси биноси маҳаллий бюджетдан ажратилган 147 миллион сўм маблағ ҳисобига тубдан қайта таъмирланиб, янги тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланди.**

• **Самарқанд шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаси давомида 85 нафар кишига ўз касби бўйича ишга йўлланмалар берилди.**

### Жаҳонда

• **АҚШ Президенти Жорж Буш навбатдаги тўрт йиллик муддат учун янги ҳукумат таркибини белгиламоқда. Хусусан, у айни вақтда миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасини эгаллаб турган Кондолиза Райс хонимни давлат котиби лавозимига тавсия этди.**

• **Украинанинг амалдаги Президенти Леонид Кучма мамлакат фуқароларини давлат бирдамлигини, тинчлигини сақлаб қолишга чақирди.**

• **Чеченистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари Республика Президенти Алу Алхановга жангарилар босқинчилигидан азият чекаётган маҳаллий аҳолига кичик калибрли қуролларни сақлашга рухсат берилишини сўраб мурожаат этишди.**

• **Ироқнинг Ал Фаллужа шаҳридан жангариларнинг турли ҳажмдаги замонавий қурол-яроғлар мавжуд бўлган йирик қурол омбори топилди.**

*Обуна — 2005*

## «ОҚШОМ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ



Азиз оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2005 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Буни таҳририятимизга муштарийларимиздан келиб турган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотнинг қадрига етган, уни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришни истаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона сабаб бўла олмайди.

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики, нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча газета ва журналлар қатори «Оқшом» таҳририяти ҳам ўз ихлосмандларининг таклиф ва истакларидан келиб чиқиб келгуси йилда газетани янада ўқимишлироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. 2005 йилдан бошлаб янги-янги рукнлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563.

## Сўранг, жавоб берамиз

**Биз ижарада турамиз. Бироқ гоҳ ҳудуд нозирлари, гоҳида уй-жой коммунал хизмати ходимлари билан турли муаммоларга учраймиз. Улар ижарада туришимизни нотўғри расмийлаштирилган деб айблашади. Айтинг-чи, аслида қандай тартибда ижарада туриш керак?**

**Д.Ашурова,**
**В.Каримова,**
**талабалар**

Аввало хонадон соҳиби билан ёзма шартнома тузиш лозим. Ўқиш жойидан маълумотнома ва қолган барча керакли ҳужжатлар билан нотариал идорадан тасдиқланган ҳолда уй-жой коммунал хизмати ходимларига топширилиши лозим. Бу ҳақда маҳаллий ҳудуд нозири рўйхатидан ҳам ўтиш керак.

* * *

**Кейинги вақтларда никоҳдан ўтаётган келин-куёвларга никоҳ шартномасини тузиш таклиф этилмоқда. Унинг афзаллик томонлари нимада, уни тузиш мажбурийми?**

**В.Иноятова,**
**шифокор**

Маълумки, Республикамизда 1998 йилда Оила кодекси қабул қилинган эди. Мазкур кодексда никоҳ шартномаси алоҳида қайд этилган.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёки эр ва хотин никоҳдан ажралган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи аҳдномадир. Бу шартномани тузиш ихтиёрий бўлиб, у никоҳга қадар ёки никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. У нотариус томонидан тасдиқланади ва исталган пайтда қонуний кучга эга бўлади. Шартнома эр ва хотин никоҳдан ажралган тақдирда уларнинг ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олиш имконини беради.

* * *

**Менинг соғлигим кейинги пайтларда тез-тез безовта қилмоқда. Томоқ оғриғи — ангинадан жуда қийналаман. Яқинда бир танишим гулхайри ўсимлиги ангинага даво экан деб қолди. Шу тўғрими?**

**И.Шодиев,**
**пенсионер**

Ҳа, тўғри. Муолажани тайёрлаш учун 10 грамм гулхайри илдизи 1 литр сувда қайнатилади. Тайёр бўлган қайнатмадан томоқни чайқашда фойдаланилади. Бундан ташқари қуйидаги рецептдан ҳам фойдаланиш мумкин: гулхайри (илдиз) — 2 ҳисса, қизилмия (илдиз) — 5 ҳисса, арпабодиён (меваси) — 1 ҳисса, туятовон (барги) — 1 ҳисса, тугмагул (гули) — 2 ҳисса, тошчўп (гули) — 2 ҳисса олиниб яхшилаб аралаштирилади. Тайёр бўлган аралашмани 1 ош қошиқдан олиб, стакандаги муздек сувда 2 соат сақлаб, сўнг уни қайнатиш учун паст оловда 5-6 дақиқага қўйсиз. Қайнатма бир кунда 4 маротаба овқатдан кейин 4/1 стакан илиқроқ ҳолда истеъмол қилинади.

*Иқтисодиёт*

# КЎРКАМЛИК БАҒИШЛАЙДИ

**Гўзал пойтахтимизда талаблар даражасидаги сифатли, кўркам, кўркам, жаҳон андозасидаги иншоотлар, муҳташам бинолар қад ростлаши учун нафақат мукаммал лойиҳа, малакали қурувчилар, илғор техника, шунинг баробарида рақобатбардош қурилиш материаллари ҳам зарурлиги ҳеч кимга сир эмас. Айни шундай импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар «INSOF-RI» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида тайёрланади.**



Мазкур корхонанинг 40 нафарга яқин ишчи-хизматчилари хорижий дастгоҳ ва ускуналар ёрдамида буюртмаларни ўз муддатларида бажаришмоқда. Италиядан келтирилган 75 турдаги пластик-ламинат ҳамда «Granicoat» сунъий тоши — 117 хил рангдаги полиэстирол материаллардан энг нозиктаъб мижозларнинг ҳам хоҳиш-истаклари қондирилмоқда.




Ушбу хом ашёдан тайёрланган маҳсулотлар бизнинг иқлим шароитимизга жуда мос бўлиб, тез-тез ўзгарувчан об-ҳаво инжиқликларига чидамли, кўркам, ишлатишда қулайлиги билан ажралиб туради.

Қўшма корхонанинг малакали, ўз ишининг усталари бўлган дизайнчилари меҳнати туфайли буюртмачиларга радиатрлар учун манзарали панжаралар, осма деворлар, плинтуслар, ошхона термаси, офислар учун мебеллар, ностандарт жиҳозлар, ҳаттоки бра, торшерларнинг жуда кўплаб турдаги компьютердаги ишланмалари тавсия этилади.

Хуллас, мижозлар учун беқиёс гўзаллик яратиладики, унинг замирида «INSOF-RI»чиларнинг заҳматли меҳнатлари, тинимсиз изланишлари, янгиликка интилишлари ётади. Бунинг исботи сифатида «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси, Ўзбек Миллий академик драма театри биноси, «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг муҳташам биноларини, М.Горький номидаги рус драма театри каби кўплаб иншоотларни корхона маҳсулотлари безаб турибди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: корхонанинг малакали мутахассислари Андрей Кубекин ва Сервер Закеряевлар иш жараёнида; ранг-баранг жилоланувчи сунъий тошлар энг замонавий хом ашё ҳисобланади.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

# ҲИНДИСТОНДА ТАДБИРКОР АЁЛЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

**Деҳлида тадбиркор аёлларнинг халқаро анжумани бўлиб ўтди. Ушбу анъанавий форумда дунёнинг 15 давлатидан ташриф буюрган юз нафардан ортиқ тадбиркор аёл иштирок этди. Жумладан, анжуманда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг Шарбат Абдуллаева бошчилигидаги 13 нафардан иборат ўзбек тадбиркор аёллари ҳайъати ҳам қатнашди.**

Ҳиндистон Республикаси Тил, сайёҳлик ва таълим вазири Арвиндер Сингх анжуман очилиш маросимида сўзга чиқиб, аёллар тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришнинг аҳамияти ҳақида фикр юритди ва бу борадаги халқаро ҳамкорликни янги поғонага кўтариш кераклигини таъкидлади.

Биз Деҳлида хорижлик шериклар, яъни тадбиркор аёллар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, қўшма корхоналар тузиш юзасидан музокаралар ўтказиш, зарур ҳужжатлар имзолашни ҳам режалаштирганмиз, — дейди Шарбат Абдуллаева.

Анжуманда Урганч шаҳридаги "Азия текстайл" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси директори Роза Собироваға Ҳиндистон тадбиркор аёллар консорциумининг 2004 йилги мукофоти топширилди.

Деҳлидаги Прагати Майдан деб номланган кўргазмалар майдонида халқаро савдо- кўргазмаси ҳам очилди. Унда, асосан, тадбиркор аёллар ташаббускорлигида фаолият кўрсатаётган корхоналарда ишлаб чиқарилган турли халқ истеъмол моллари намойиш қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кўргазманинг Ўзбекистонга ажратилган бўлими ҳар куни одамлар билан гавжум бўлмоқда. Айниқса, миллий либослар, қўлда тўқилган гиламлар, заргарлик, енгил саноат ва зардўзлик маҳсулотлари барчанинг эътиборини тортмоқда.

Кўргазма 27 ноябрга қадар давом этади.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**"Жаҳон" АА,**
**Деҳли**

*Саломатлик*

# ГРИППДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

**Халқимиз тумов деб юритиладиган юқори нафас йўлларининг шамоллаш касаллиги тўғрисида хабардор. Кунларнинг совиши, ҳаво ҳароратидаги кескин ўзгаришлар шу ҳолатларни кўплаб келтириб чиқаради. Аксарият хасталанганлар 3-4 кун иситмалаб кейин тузалиб кетишади.**

Кимдир врачга мурожаат этса, айримлар ўзларини ўзлари даволаб ҳам соғайишади. Лекин кимлардир бу хасталик асоратларига чалиниб, бир умрга дардманд бўлиб, касаллик сабаб оғир ҳолатга тушиб қолганликларини эсдан ҳам чиқариб юборишади. Айнан шунинг учун ҳам бундай ҳолатларда врачга мурожаат этган маъқул. Юқори нафас йўллари шамоллаш хасталикларининг турли хиллари мавжуд бўлиб, кўпинча уларни турли микроблар ёки вируслар келтириб чақиради. Ташқи муҳит, организмнинг шу даврдаги ҳолати, вирус ёки микробнинг қай даражада тарқалганлиги ва ҳайси хили зарарлаётганлиги шу омиллардандир. Лекин вирусли грипп хасталиги оддий шамоллаш хасталикларининг энг жиддийларидан бири бўлиб, унинг тез тарқалиши, мавсумийлиги (куз ва қиш ойларида тарқалиши) ўз вақтида врачга мурожаат этиб, тўғри даволанмаса оғир оқибат ва асоратларга олиб келиши билан ҳам аҳамиятлидир. Баъзан билиб- билмай турли антибиотиклардан фойдаланиш оқибатида (вирусларга антибиотиклар таъсир этмайди) организмнинг иммун тизими салбий зарарланиши натижасида даво ўрнига зарар бўлиш ҳолатлари ҳам рўй бериши мумкин.

Грипп ўткир респиратор ўта юқумли хасталиклар гуруҳига мансуб бўлиб, тана ҳароратининг кескин кўтарилиши, кўз селераси томирларининг қизариб шишиши, бурундан суюқлик оқиши, тана аъзоларининг қақшаб оғриши, бемор иштаҳасининг йўқолиши билан давом этади. Бунда организм кўп сув йўқотади, ҳолсизланади. Энг ёмони, организмдаги марказий нерв тизими, ички секреция безлари ва юрак қон томир тизими жабрланиши натижасида кўпгина асоратлар қолиши мумкин. Оқибатда қанд касаллиги, турли асаб хасталиклари ва юрак қон томир тизимидаги бошқа бир сурункали хасталикка мубтало бўлиш мумкин. Ўз-ўзидан савол туғилади. Бундан ҳимояланиш мумкинми? Албатта, аввало организм чиниққан бўлса хасталик енгил ва асоратсиз ўтади. У тўғри даволаниб, бошқалардан ўз вақтида алоҳидаланса юқиш хавфи камаяди, кўп суюқлик истеъмол этиб, витаминлардан, айниқса С витаминидан тўғри фойдаланилса, бемор касалликни ётиб оёқда ўтказмасдан даволанса тезроқ тузалади. Ҳатто бу хасталик тарқалиш мавсумида врачнинг ҳудудий поликлиникадан уйга чақиришнинг мақсадга мувофиқлиги боис тиббиёт тизимида бунга кўрсатма берилган ва бирданига беш кунлик касаллик варақаси берилиши расмийлаштирилган. Яна бир самарали омил бу — шу хасталикка қарши махсус вакцинадан мавсум олдидан эмланиши яхши самара беради. Бу учун ҳозирда инфлювак ёки гриппол вакциналари мавжуд бўлиб уни сотиб олиб эмланиш мумкин.

Яна аҳоли кўп тўпланадиган жойларда, болалар муассасаларида, тиббиёт масканларида, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш жойларида, аҳолини ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситаларида фаолият олиб борувчилар 4 қаватли махсус дока ниқоб билан иш олиб боришлари грипп вирусининг тарқалиши ва бемордардан ўзларига юқтиришлари ҳамда ўзгаларга тарқалишининг олдини олишдаги энг асосий омиллардандир. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бу хасталикдан ҳимояланиш учун баён қилинганларни билиш ва шу қоидаларга риоя этиш билан ҳар бир инсон наинки ўзини ўзгаларни ҳам бу хасталикдан ҳимоялаши мумкин. Аҳоли орасида ҳар қандай хасталикдан ҳимояланишда тўғри тарғибот олиб борилиши жуда аҳамиятлидир. Шу боис ҳам юқоридагиларни Сизнинг эътиборингизга ҳавола этишга ҳаракат қилдик. Грипп хасталигидан ўзингизни ва ўзгаларни асранг!

**Ф.РАҲМАТОВА,**
**олий тоифали врач**
**эпидемиолог.**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Оқил киши донога, олижаноб, ростгўй ва хушрўйга дўст бўлур, хиёнаткор ва фосиқдан қочар.

● Дўст кишини бир йилда ҳам топиш осон эмас, аммо уни бир лаҳзада йўқотиб қўйиш мумкин.

**Икки лаб бир бўлса,**
**ҳаттоки нафас,**
**Улар орасидан**
**осон ўтолмас.**
**Кўздек бир-бирингга**
**бўлма тескари,**
**Лаблардек иттифоқ**
**бўлгил аксари.**

**Форобий ҳикматлари:**

● Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва улардан жирканади. Бундай нарсалар унга ноўрин кўринади. У билим ва тажрибага эга бўлгандан сўнг фикри ўзгаради, ноўрин бўлиб кўринган нарсалар зарурий бўлиб чиқади.

● Очкўзлик билан мақсадга интилгувчиларнинг иши ҳамиша ғаразли бўлади, фақат ўзларинигина ўйлайди.

● Инсоннинг хайрли ва гўзал ишлари учун хизмат қилувчи руҳий хислатлари яхши фазилатдир.

● Яхшилик қилиш ҳурмат-эҳтиромли бўлиш, лаззатланиш, саодатли бўлиш йўлида қилинадиган ишларни амалга оширишдаги энг яхши усуллардан биридир.

● Хоҳ шаҳарни бошқаришда бўлсин, хоҳ уй қуришда бўлсин, яъни ҳар бир соҳада мулоҳазали одам учун энг муҳими тўғри, фозилона фикр юритишдир. Токи бирон қаршиликка учраганда унга бартараф этувчи тўғри йўл топа олсин.

● Халқ ақлли кишиларни доно деб атайди, чунки улар инсонларга керакли нарсаларни ўйлаб топадилар.

● Инсон туғилганда камолотли бўлиб туғилмайди, янги туғилганлар орасида аслида фарқ ҳам бўлмайди, хулқи, фаолияти, ҳаёти ўхшаш бўлади. Булар кейинчалик ўзгаради, яъни жамиятда одамлар орасида ўса бошлагандан кейин шаклланади.

* * *

**Қисса:**

Бир арслон ўз ёнида ўтирган бўри билан тулкига ҳамкорликда овга боришни таклиф қилиб деди:

— Ҳаммамиз ўрмоннинг турли тарафига тарқалайлик. Нимани ов қилсак, мана шу жойга келиб тақсимлаймиз.

Улар арслоннинг сўзини қабул қилиб, ҳар тарафга тарқалдилар. Бироз фурсатдан кейин арслон бир қулонни саж қилиб келтирди. Бўри бир кийикни, тулки эса бир қуённи олиб келди. Ўлжаларнинг ҳаммасини арслоннинг ёнига қўйдилар. Арслон буларни тақсим қилишни бўрига буюрди. Бўри арслоннинг олдига қулонни қўйди. Кийикни ўзига, қуённи тулкига берди. Бундан ғазабланган арслон бўрини тилка-пора қилди. Сўнгра ўлжаларни тақсим қилишни тулкига буюрди. Тулки асрлонга таъзим қилиб:

— Ҳозир тушки овқат вақтидир. Дарҳол қулонни тановул қилинг. Кечки пайтда қорнингиз очса, кийикни тановул қиласиз. Эртага эрталаб уйқудан турганингизда юракнинг зардобини битириш учун қуённи ерсиз, жуда яхши даво бўлади, — деди.

Арслон тулкининг тақсимидан завқланиб:

— Сен бу мақбул тақсим қилишни кимдан ўргандинг? — деб сўради.

Тулки кулиб:

— Оёғингиз остида ўлиб ётган бўридан ўргандим, — деб жавоб берди.

**Ҳисса**: Инсон ҳар вақт бошқаларнинг қилган ишларидан ибрат олиб, ўз ишларини гўзал тадбир асосида қуриши керак. Агар шундай қилмаса фалокатга дучор бўлиши турган гап.

*Тақдимот*

# ЯНГИ УЮШМА ТУЗИЛДИ

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг «Ўзбекистон касаба уюшмалари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. 2003 йил 18 мартда тасдиқланган мазкур қарорга асосан туманлардаги тармоқ касаба уюшмалари аъзолари сони 5 мингдан ортиқ бўлган ҳолларда шу тармоқ касаба уюшмасининг туман Кенгашларининг тузилишини амалда татбиқ қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, куни кеча Республика Банклари ассоциацияси Банк-молия академиясида бўлиб ўтган Мирзо Улуғбек туман кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмаси биринчи таъсис конференциясида яна бир касаба уюшмаси Кенгаши тузилди.

Йиғилишда шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг Мирзо Улуғбек тумани бўйича вакили Дилшод Аҳмедовнинг 2003-2004 йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Унда таъкидланганидек, ўтган қисқа фурсатда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари, касаба уюшмалар гуруҳларининг илғор иш тажрибалари ўрганилди. Дам олиш сиҳатгоҳлари, болалар оромгоҳлари, санаторийларга имтиёзли йўлланмалар беришни ташкил этиш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди.

— Мирзо Улуғбек тумани кичик бизнес, матлубот кооперацияси савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмасининг тузилишини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан тумандаги Меҳрибонлик уйи касаба уюшмаси раиси ўринбосари Толиб Усмонов. — Негаки, мазкур уюшмани ташкил этиш республика Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан қабул қилинган қарор талабларига тўлиқ жавоб беради.

Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўрилди. Конференция делегатларининг бир овоздан маъқуллаши билан шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг М.Улуғбек тумани бўйича вакили вазифасида фаолият юритиб келаётган Дилшод Аҳмедов янги ташкил этилган уюшманинг етакчилигига сайланди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ШУНДАЙ КИШИЛАР БОР БЎЛСИН

Тушлик пайт остона хатлаб уйга киришим билан аёлим деди:

— Келдингизми отаси, кеча айтаман деб хаёлимдан кўтарилибди. Тоғаваччангиз Аҳмаджон шифохонадан соғайиб чиққанига бугун тушдан кейин уйга уч-тўртта қадрдонларини таклиф қилаётган экан. Сизни ҳам тайинлаб айтиб кетувди.

Оғир касалликни енгиб, соғайиб уйга қайтган қариндошимизни вақтида йўқлай олмадик. Ҳеч бўлмаса унинг ўзи таклиф этганда «Ҳорма, бор бўл» қилмаслик одамгарчиликдан бўлмас. Шуни ўйлаб изимга қайтиб, Аҳмаджонларникига шошилдим.

— Ана, ўзлари келиб қолдилар, — дейишди мени кўриб қон-қариндошлар. — Ҳозиргина сизни эслаб турган эдик.

Ҳамма билан бирма-бир сўрашиб бўлганимиздан сўнг Аҳмаджон мени меҳмонхонага таклиф қилди. Ўн чоғли одам тўпланган хонада гурунг қизиган экан. Йиғилганларнинг деярли ҳаммаси яқинларимиз бўлгани учун тезда биз ҳам суҳбатга қўшилиб кетдик. Фақат давра тўрида ўтирган нотаниш йигит ҳангомамизга унчалик қўшилмас, ўзини бегоналардек ҳис этиб, ноиложликдан ора-чора жилмайиб қўярди. Қуюқ-суюқдан сўнг фотиҳа ўқилиб, ҳаммамиз ўрнимиздан турдик. Мезбоннинг «Ҳали эрта, яна бироз ўтира туринглар», деган таклифига миннатдорчилик билдириб ташқарига чиқдик.

Аҳмаджоннинг отаси — бизга тоға бўлмиш Маҳамаджон ака қўлидаги зарбоф тўннинг бағрини кенг ёзиб чақирди.

— Қани Ҳусанжон ука, бери келинг.

Бояги давра тўрида уялиб ўтирган нотаниш йигит ҳижолатомуз жилмайиб унга яқинлашди. Маҳамаджон тоға меҳмоннинг елкасига тўнни ташлаб, унга миннатдорчилик билдириб, узундан-узоқ дуо қилди.

Кейин билсак иззатланаётган меҳмон чиндан ҳам улуғ иш қилган, таъбир жоиз бўлса Аҳмаджоннинг халоскори экан.

Тоғаваччам эрталаб ишга шошилиб бораётиб, автобус бекатида ўзини нохуш сезибди. Одамларга сездирмаслик учун аста ўриндиққа ўтирибдию, орқасидаги дўкон деворига бошини тираганича ҳушидан кетибди. Биров унга эътибор берибди, биров кўриб-кўрмасликка олибди. Баъзилар уни маст-аласт фахмлаб ёнидан индамай ўтиб кетаверибди. Хуллас у шу алфозда бекатда анча вақт қолиб кетибди.

Боши деворга тиралганича қийшайиб ётган бегона киши бекатга эндигина келиб улгурган шифокор Ҳусанжоннинг диққатини ўзига тортибди. У дарҳол югуриб келиб қараса нотаниш бир инсоннинг ҳоли танг, у зўр-базўр нафас олаётган экан. Ҳусанжон тўсатдан бошланган қаттиқ юрак хуружидан ҳушини йўқотган одамга дастлабки муолажани кўрсатибди. Кейин дарҳол йўловчи бир машинани тўхтатиб, уни ўзи ишлаётган касалхонага олиб кетибди. Ниҳоятда оғир аҳволда келган бемор касалхонанинг реанимация бўлимига ёткизилгач, унга зудлик билан муолажалар бошлаб юборилибди. Беморга Ҳусанжоннинг ўзи қарабди.

Бир ҳафтадан сўнг бемор кўзини очибди. Ўлим хавфи чекинганини сезган Ҳусанжон ҳам анча енгил тортибди. Бир ойдан сўнг Аҳмаджон оёққа турибди.

—Хуллас шу инсоннинг ёрдами, куйди-пишдиси билан мен яна ҳаётга қайтдим, — деди ҳикоясини якунлаб Аҳмаджон. — Яхшиямки ҳаётда ўзгаларнинг дардига малҳам бўладиган сергак, ҳушёр, куюнчак Ҳусанжон каби инсонлар бор. Бўлмаса, «Ўзингни бил, ўзгани қўй» қабилида иш тутиб юрган лоқайдларга кунимиз қолса нима бўларди.

Ҳар галгидек, бу сафар ҳам ҳаммамиз бир овоздан лоқайдлик — ашаддий иллат эканлигини таъкидлаб, инсоний фазилатларнинг барчасини ўзида мужассам этган Ҳусанжон каби инсонларга «Бор бўлсин шундай одамлар» дея улар шаънига мадҳиялар ўқидик.

## ОЁҒИНГ ЕРДАН УЗИЛМАСИН

Азамат ёшликдаги дўстим. У билан ҳатто бир майизни тенг бўлиб ердик. Бир кун кўришолмасак бир-биримизни қўмсаб қолардик. Иккаламиз бир синфда ўқидик, улғайиб ўрта мактабни битиргач, у университетнинг тарих факультетига, мен эса филология факультетига ҳужжатларимизни топширдик. Омадимиз келиб кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлдик. Олий ўқув юртини битиргач мен Тошкентда қолдим. У вилоятлардан бирига ишга кетди. Узоқ кўришолмай қолган чоғларимизда хат орқали мулоқот қилиб турдик.

Кейин бирдан орадаги борди-келди узилди. Сўраб-суриштирсам дўстим вилоятга юксакроқ лавозимга ишга ўтган экан. Юмуши кўпайиб, келмай қўйди шекилли, деган ниятда дўстимни табриклагани у ишлаётган вилоятга бордим. Уникида икки-уч кун меҳмондорчиликда бўлдим. Дўстона суҳбатларим асносида унда қандайдир манманлик, мақтанчоқлик кайфиятлари пайдо бўлганлигини ҳис этдим. Ундан қандайдир ғашим келсада юз амри иссиқлик қилиб бу ҳақда унинг ўзига айтмадим. Меҳмондорчилик учун раҳмат айтиб йўлга отландим.

— Бу бошланиши, ҳали кўрасан шундай юксакларга парвоз қилайки баъзилар ҳасаддан куйиб-ёнсин.

Шу гапни дўстим кимни назарда тутиб айтди билмадиму, лекин унинг «Эгасини топ» қабилидаги гапи очиғи менга анча таъсир қилди. У билан хайрлашувимиз совуқ кечди.

— Бу сафар сени кузатолмайман. Биласан катта даргоҳнинг иши ўзига яраша катта бўлади. Келиб тур, — деди у охирида қўлини узатиб.

Чиндан ҳам дўстим ўзи айтгандек мансаб пиллапояларидан тез кўтарилиб борди. Кўп ўтмай Тошкентдек улуғ даргоҳга қайтди. Катта бир идорани бошқарди. Дастлаб у билан онда-сонда кўришиб турдик. Шундай кезларда ҳам Аҳмаджон иши зарурлиги, муҳим топшириқни бажараётганлигини айтиб гапни қисқа қиларди.

Бир куни иш юзасидан атайлаб унинг ишхонасига бориб олдига киролмай қайтдим. Менинг келганимни хабар қилгани ҳузурига кирган котиба, елка қисиб эшикдан чиқди.

— Кечирасиз, бугун қабул қилолмас эканлар, зарур юмушлари бор экан.

Эртасига бафуржа гаплашармиз деб кечки пайт унинг уйига бордим. Таниш ҳовлига киришим билан дўстимнинг онаси Васила опа мени хушнудлик билан кутиб олди.

— Вой болам, бормисиз, ахир мен сизни ўғлим деганмана. Битта ўғлим иккита бўлди деб қандоқ хурсанд бўлгандим. Сизга нима бўлди, келмай кетдингиз.

Онаизордан узр сўраган бўлдим. Кейин Азаматни сўрадим.

— Вой ҳали билмайсизми, у янги уй олиб болалари билан кўчиб кетганига анча бўлган. Иши ҳам бор бўлсин, мени кўргани келишга ҳам вақт тополмайди болам бечора.

Шу куни дўстимдан қаттиқ ранжидим. Айниқса кексайиб қолган онасини ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз қолдириб кетганидан хафа бўлдим. Шундан кейин орамиз буткул узилди. Тасодифан тўй-туркунларда у билан кўришиб қолганимизда ҳам гапимиз салом-аликдан нарига ўтмайдиган бўлди. У шу қадар кибру-ҳавога берилиб кетдики, оёқ остидагидан нарини кўролмайдиган бўлиб қолди. Мана шу манманлиги унинг бошини еди. Дўстим ишдан кетди. Бир куни кечқурун бехосдан телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам ундан Азаматнинг ташвишли овози эшитилди.

—Тез етиб кел, онамизни бериб қўйдик.

Онаизорнинг ўлими баҳона у билан яна алоқамиз тиклангандек бўлди. Шунда Азамат менга миннатдорчилик билдириб деди.

— Кўпдан бери бир нарса хаёлимни тарк этмайди.

— Нима экан, у сени безовта қилган? — сўрадим ундан нохушлик билан.

— Биласанми, қуш қанчалик юксакликка парвоз қилмасин, барибир оёғи ерга тегаркан, ердан макон топаркан. Ўйлаб кўрсам менинг ҳам қуш сингари оёғим ердан узилган экан. Куни келиб барибир ерга қайтиб тушишимни хаёлимга келтирмай янада баланд чўққиларни ҳавас қилиб юрган эканман.

Дўстимнинг шу сўзи нотинч дилимга анча таскин берди. Хайрият, кеч бўлсада унинг кўзи очилибди.

## БУ ОДАТ ҚИЗЛАРГА ХОС ЭМАС

Тушлик пайти ошхонада овқатланиб ўтирардик. Биздан нарироқда уч-тўртта ёш-яланг қизлар тамадди қила туриб шўх-хандон отиб кулишарди. Улардан бири сумкасини титкилаб сигарет қутисини чиқарди. Уни кўриб дугоналарнинг ҳаммаси қутига қўл чўзди. Ошхонада тамадди қилиб ўтирган хўрандалардан уялмай-нетмай қизлар сигарет тутатишди.

— Хўп замон бўлди-да, деди уларни кузата туриб хўрандалардан бири. — Ҳозир эркаклар қолиб, аёллар сигарета чекадиган бўлишди.

— Бу ёмон одат қайдан пайдо бўлди билмадим, — таажжуб билдирди яна биров.

Шу ҳолатни кузата туриб менинг хаёлимдан шундай фикр ўтди: «Эҳ қизлар, қизлар қўлингиздаги сигарет нафақат ўзингизнинг соғлиғингизга, балки мана шу ошхонада ўтирган хўрандаларга ҳам қанчалик зарар етказишини наҳот билмаётган бўлсангиз. Билмасангиз билиб қўйинг, шифокор-мутахассисларнинг айтишича кашандалар фақат ўз организмларига зарар етказиб қолмасдан атрофдаги чекмайдиган кишиларнинг ҳам саломатлигига катта зиён етказаркан. Билсангиз сигарет чекилган, лекин шамоллатилмаган хонада 1,5 соат турган чекмайдиган кишининг қонида никотин миқдори етти баравар ортар экан. Бундай хонада чекилган ҳар ўнта сигаретдан биттасининг тутуни чекмайдиган кишининг ўпкасига ҳаво билан кириб туриши илмий асосда исботланган». Шуларни ўйлаб шу топда «Чекишни бас қилинг қизлар, қўлингиздаги кўринмас ёвдан қанчалик тез қутулсангиз ўзингизнинг келажагингизни асраб қолган бўласиз», дея уларга ҳайқиргим келарди. Хайрият шу топда ошхона хизматчиларидан бири таомхонада чекиш ман этилганлигини айтиб, уларни огоҳлантирди. Қизлар бу сўздан ранжиб, зарда билан қўлларидаги сигаретларни ҳар томонга пала-партиш улоқтириб, ошхонани тарк этишди.

## «МАХСУСТРАНС» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ ТУМАН АВТОКОРХОНАЛАРИГА МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШ ХИЗМАТЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН АҲОЛИДАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ МАСТЕРЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ. ИШ ҲАҚИ ЙИҒИЛГАН МАБЛАҒНИНГ 10 ФОИЗ МИҚДОРИДА БЕЛГИЛАНАДИ. МАСТЕРЛАРГА ҲАР ОЙ ОЙЛИК ЙЎЛ ЧИПТАЛАРИ БЕРИЛАДИ.

### «Махсустранс» туман автокорхоналарининг манзиллари:



«Миробод-Махсустранс» АТК — Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 554/2-уй, телефонлар: 191-47-55, 191-34-00, 191-69-32

«Мирзо Улуғбек-Махсустранс» АТК — Мирзо Улуғбек тумани, Қурбонова кўчаси, 102-уй, телефон: 65-34-59

«Ҳамза- Махсустранс» АТК — Ҳамза тумани, З.Шамсутдинова кўчаси, 42-уй, телефонлар: 90-67-47, 90-47-52

«Шайхонтоҳур-Махсустранс» АТК — Шайхонтоҳур тумани, Беҳзод кўчаси, 4-пр.Қизил ғунча, телефонлар: 43-12-19, 43-12-84

«Яккасарой-Махсустранс» АТК — Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 5-уй, телефонлар: 50-92-35, 50-34-09

«Чилонзор-Махсустранс» АТК — Чилонзор тумани, Проектная кўчаси, 1-а уй, телефонлар: 79-86-65, 79-96-72, 79-78-86.

«Бектемир-Махсустранс» АТК — Бектемир тумани, Д.Астанова кўчаси, 31-уй, телефонлар: 195-03-13, 192-31-31

«Сергели— Махсустранс» АТК — Сергели тумани, Саади кўчаси, 252-уй, телефонлар: 50-98-90, 50-97-54, 50-75-48

«Собир Раҳимов-Махсустранс» АТК — С.Раҳимов тумани, Чуқурсой кўчаси, 44-уй, телефонлар: 48-50-18, 48-51-70, 148-18-86, 148-18-87

«Акмал Икромов-Махсустранс» АТК — А.Икромов тумани, «Бекобод» саноат зонаси, Ҳалқа йўли, телефонлар: 47-03-32, 47-04-72, 47-95-23.

«Махсустранс» Ишлаб чиқариш бошқармаси — Акмал Икромов тумани, «Бекобод» саноат зонаси, Ҳалқа йўли, телефонлар: 47-25-99, 47-46-04.

*«01»*

## ЁНҒИНДАН ОГОҲЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ

**Бутун инсоният тараққиёти у ёки бу маънода олов билан бевосита боғлиқ бўлиб келган. У ўзининг фойдали жиҳатлари билан бирга айниқса, вайроналик келтирувчи қудратини ўз бошидан кечирган кишиларга чексиз ташвиш, мусибат ва алам, айни чоғда юрак хасталигини келтирган.**

Бундай олов нафақат эски биноларга ҳамла қилишини, балки энг замонавий янги қурилган иморатларнинг ҳам кулини кўкка совура олишини қайта таъкидлаб ўтиш шарт эмас. Шу сабабли ўтни ўчиришга нисбатан ёнғин хавфидан огоҳлантириш осонроқ.

Бизнинг асосий мақсадимиз — ўзимиз ва яқинларимизни ўт чиқиш хавфидан муҳофаза қилишдир. Бунга фақат кейинги йилларда бу соҳада фан ва техника эришган ютуқлар, ёнғиндан огоҳлантириш ва уни бартараф этиш, аҳолини ёнғин содир бўлиши мумкин бўлган ҳоллардан хабардор этиш йўли билан эришиш мумкин.

**Тоир ФАЙЗУЛЛАЕВ**



















## УЛГУРЖИ ХАРИДОРЛАР ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2004 йил 21 октябрдаги кўрсатмасига мувофиқ ШУ ЙИЛ 30 НОЯБРЬ — 3 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳридаги Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси, 1-уй «Ўзбекистон» теннис клуби биносида «Файз», «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг», «Ўзкимёсаноат», «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзагромашсервис» компаниялари, «Ўзавтосаноат», «Ўзэлтехсаноат» уюшмалари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбек қоғози», «Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамиятлари, «Ўзметкомбинат» бирлашмаси, В.П.Чкалов номли «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати, «Совпластитал» қўшма корхонаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва бошқа корхоналар томонидан 2005 йилда ишлаб чиқариладиган енгил автомобиллар, мебель, маданий-маиший, хўжалик, электр хўжалик, қурилиш материаллари, қоғоз, заргарлик маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмол товарларига республика ҳудудида жойлашган, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш бўйича РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ- САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.**

**Ушбу ярмаркага барча ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналари, ташкилотлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, тадбиркорлар таклиф этилади.**

*Ярмаркага марҳамат!*

«Ўзбексавдо» акционерлик компанияси

**Мулоқот учун телефонлар: 139-10-93, 139-13-15, 139-10-25**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

### БИРОВНИНГ ИШОНЧИГА КИРИБ...

**Ҳар доимгидек С.Раҳимов метро бекати олди гавжум. Самарқандлик Э.Ўктам таниши С.Элбекни шу ерда кўриб қолди.**

Иккала оғайни қуюқ сўрашгач, Ўктам Элбекнинг «Самсунг» уяли телефон аппаратини фойдалансам майлими деб сўраб, алдаб олди. Лекин у шу пайтнинг ўзида воқеа жойидан ғойиб бўлиб, бошқа қорасини кўрсатмади. Алданган жабрланувчи ички ишлар ходимларига хабар берди. Тез орада жиноятчи қўлга олинди. Телефон аппарати эса эгасига қайтарилди.

### ФИРИБГАРЛИК ПАНД БЕРДИ

**Кимнидир алдаб, кимнидир чув тушириб, нопок йўл билан пул топиш баъзи фирибгарларнинг кундалик юмушига айланиб қолган. Мана шундай қонунбузарликларнинг бир нечтасини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин.**

Ҳеч қаерда ишламай, товламачилик билан кун кечирадиган З.Ғуломова ўзининг таниши Д.Парпиеванинг қизи Н.Парпиеванинг 35000 сўмлик сариқ металлдан ясалган зиракларини сотиб оламан деб қайтариб бермайди.

Худди шу шахснинг ўзи бир вақтнинг ўзида 8 яшар Р.Бўтаеванинг 40000 сўмлик сариқ металлдан ясалган зиракларини сотиб оламан деб қайтариб бермаган. Аммо ҳаром йўл билан топилган бойлик жиноятчига насиб этмади. У ички ишлар ходимлари томонидан ушланиб, қимматбаҳо нарсалар эгаларига қайтарилди.

Осон йўл билан маблағ топишга ўрганиб қолган М.Шодиева ўзининг таниши Ю.Комилованинг 500000 сўмлик сариқ металлдан ясалган тақинчоқларини сотиб бераман деб қайтариб бермаган.

Бундан ташқари ушбу кимса таниши З.Гулсанамнинг 1130000 сўмлик сариқ металлдан ясалган тақинчоқларини ва Ў.Назированинг 2000000 сўмлик бриллиант кўзли сариқ металлдан ясалган зирагини сотиб бераман деб гумдон қилган. Кўп миқдордаги бойликнинг эгасига айланган жиноятчи ўзини йўқотиб қўйди. Қимматбаҳо тақинчоқларни «Заргарлик буюмлари» дўконига сотиш учун олиб келган пайтда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот маркази
инспектори.**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 214-мактаб томонидан 2003 йилда Мохир Шуҳратович Тўлаганов номига берилган И-№0391993 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

*Ҳурматли маҳаллий ва хорижлик ишбилармон, тадбиркор жаноблар!*

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ВА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссиясининг қарорига асосан, 2004 йил 12 октябрда ўтказилган танлов савдолари натижасининг 22-ихтисослаштирилган механизациялашган кўчма колоннасига (СПМК-22) тегишли қисми бекор қилинганлигини ва ушбу объект қайта танлов савдоларига қўйилганлигини, шунингдек танлов савдолари:

2004 йил 27 декабрь, 2005 йил 11 ва 25январь кунлари деб эълон қилинганлигини маълум қилади.

Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилаётган давлат корхонаси бўйича

### МАЪЛУМОТ

| № | Корхона номи | Манзили | Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссияси таклифлари | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Бепул бериш тартиби бўйича (мулкий мажмуа сифатида, тўлиқлигича ёки уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгаллаб турган ер майдонлари таркибини ўзгартиришнинг мақбул режаси асосида) | Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик шарти билан) | Минимал инвестиция мажбуриятлари ҳажми ** (млн. сум) | Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1 | 22-ихтисослаштирилган механизациялашган кўчма колонна (СПМК-22) | Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси, 3-уй | Мулкий мажмуа сифатида, тўлиқлигича | Фаолият турини сақлаб қолиш* | 250,0 | 2 |

Изоҳ:
* Ушбу инвестиция миқдори инвестор томонидан ўзининг таклифидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Танлов савдолари соат **11.00 да** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй манзилида бўлиб ўтади.
Танлов савдоси **ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ** томонидан ўтказилади.

### ТАНЛОВ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилиши талаб этилади:
1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эгалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг кафолат хати).
2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.
3. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши шарт).

Ушбу ҳужжатлар ва инвестицион таклифлар танлов савдоси кунидан **уч кун** аввал муҳрланган конвертда, белгиланган шаклдаги ариза билан биргаликда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширилиши лозим.

Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (чет эл инвесторлари) қатнашишлари мумкин.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш юзасидан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.

*Тошкент шаҳар ҳокимияти Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси*

# ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги № 400-сон «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Юнусобод Машинасозлик касб-ҳунар коллежи, Тошкент тижорат ва тадбиркорлин коллежи, Тошкент Гидрометеорология касб-ҳунар коллежи, ЎзМУ қошидаги С.Раҳимов академик лицейига директорлик лавозимига танлов эълон қилади.**

**Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасининг йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.**

**Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатлар тақдим этадилар:**

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза.
2. Тавсиянома.
3. Сўровнома.
4. Таржимаи хол.
5. Маълумоти ҳақида ҳужжатлар асл нусхаси.
6. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса).
7. Илмий — услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса)
8. 4х6 ўлчамли 6 дона фотосурат.
9. Номзоднинг таълим муассасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция). Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
10. ИИББ ёки ИИВ дан маълумотнома.

**Манзил: Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 136-05-01, 133-80-34.**

### «Меҳрли савдо» Давлат корхонаси 2005 йил 1 чорагида қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун тендер савдолари ўтказилишини маълум қилади.

— шакар
— сариёғ
— биринчи тоифали музлатилган мол гўшти

Тендер таклифларини қабул қилиш ҳамда тендер ҳужжатларини бериш ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади:

Тошкент шаҳри, 700000, Мирзо Улуғбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27-уй, Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15, факс 137-14-92. Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати 2004 йил 24 декабрь, соат 17.00 гача.

Танлов асосида қуйидагиларни харид қиламиз:

— ҳар хил турдаги ёрмалар, жумладан:

гуруч, майдаланган нўхот, перловка, гречка, тариқ, ловия, мош;

— ёғдаги балиқ консервалари;

— мол гўштидан тайёрланган консервалар;



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2680 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-109. 1 2 3 4 6